O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 27 апрел пайшанба

Сотувда эркин нархда
№ 81 (2378)

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

**«Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги Қонун Сирдарё вилоятида қандай ижро этилмоқда? Кеча Олий Мажлиснинг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитасида бўлиб ўтган йиғилишда қўмита аъзолари, мутахассислар ва вилоят ҳокимлиги вакиллари иштирокида ана шу масала муҳокама қилинди.**

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари Б. Бугров очар экан, қишлоқ хўжалигига доир қонунларнинг ушбу соҳани ислоҳ қилишдаги аҳамияти, уларнинг ижросини жойларда тўлиқ таъминлаш яхши самаралар бериши, деҳқон ҳам ундан манфаат кўриши ҳақида гапирди. «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги Қонун ижросига доир маълумотларни таҳлил қила туриб, қонун ишлаши керак, айниқса, Сирдарё вилоятида унга нисбатан муносабатни ўзгартириш лозим, деди у.

Йиғилишни қўмита раиси И. Қаландаров олиб борди. Қўмита раиси ўринбосари Й. Жўраев қонун ижросини ўрганиш натижалари хусусида ахборот берди. Сўнгра муҳокама қилинган масала юзасидан вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари А. Примқуловнинг маълумоти тингланди.

Ушбу масалани ўрганиш юзасидан қўмита ишчи гуруҳи тайёрлаган маълумотномада қайд этилишича, Сирдарё вилоятида 89 та жамоа хўжалигини ширкат хўжаликларига айлантириш бўйича тадбирлар кўзда тутилган. Айни пайтда 50 та жамоа хўжалиги қонунга мувофиқ ширкат хўжалигига айлантирилган. 12 та хўжаликда жорий йилнинг биринчи чорагида тайёргарлик ишлари ўтказилди. 17 тасида эса санация ишлари олиб борилаяпти. Уларнинг ширкат хўжалигига ўтиши 2000 йилнинг охиригача мўлжалланган. Ижроия ҳокимияти органлари томонидан қонуннинг ижросига доир юқори даражадаги меъёрий-ҳуқуқий асослар яратилган ва яратилаяпти. Барча ширкат хўжаликларида қонун матни, ижроия маҳкамалари қарорлари ҳамда услубий тавсияномa ва кўрсатмалар мавжуд. Туман, ширкат хўжалиги раҳбарлари, мутахассисларнинг малакаларини ошириш учун доимий равишда ўқитиш ва тажриба алмашишлар ўтказилаяпти. Ширкат хўжаликларини тузиш ташкилий жиҳатдан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилаяпти.

Қонуннинг 21-моддасига биноан, ҳар бир ширкатда оилавий ижара шартномалари тузилган. Ширкатлар банкда мустақил ҳисоб-китоб варақаларига эга. 1999 йилда ширкат хўжаликларида 4395 та оилавий ижара пудрати ташкил қилинган. Улардан 2185 таси шартнома мажбуриятларини бажарган. Шунингдек, қонун ижросини ўрганиш жараёнида муайян камчилик ва муаммолар борлиги аниқланди. 38 та ширкат хўжалигидан атиги 4 таси йилни 11,8 миллион сўм фойда билан якунлади. Қонуннинг 4-моддасида қайд этилишича, ширкат хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан бир қаторда қишлоқ хўжалиги хомашёсини қайта ишлаш, озиқ-овқат маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, савдо-сотиқ, таъмирлаш ва қурилиш ишлари, юридик ва жисмоний шахсларга хизмат кўрсатиш, шунингдек, қонунларда тақиқланмаган бошқа фаолият турлари билан ҳам шуғулланишлари мумкин. Бироқ ширкатларнинг аксарияти ҳозир фақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан банд бўлмоқда.

Қонуннинг 19-моддасида мулкий пайлар ажратиш назарда тутилган. Бироқ, айниқса, ширкат аъзолари ундан чиқиб, фермер хўжалиги ташкил этганидан сўнг мулкий пай ажратиш деярли амалга оширилмаяпти. Қонуннинг 7-моддасини амалиётда қўллаш, яъни ширкатга аъзолик масаласида ҳам қатор чалкашликларга йўл қўйилаяпти. Айрим ширкатларда фермер хўжалиги билан ер участкаларининг ижара шартномалари мавжуд эмас. Оила пудрати шартномалари расмиятчилик учунгина тузилган, яъни унда томонларнинг жавобгарлиги, ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқлаштирилмаган. Аксарият ҳолларда ширкат хўжалиги ўз зиммасига мажбуриятлар олмаган. Ўрганиш жараёнида ширкат хўжаликларининг қонунда белгиланган ички меҳнат тартиби қоидалари ва меҳнатга ҳақ тўлаш тартиби йўқлиги аниқланди. Йилни фойда билан якунлаган хўжаликларда ҳам аъзоларга дивиденд тўланмасдан маблағ хўжаликнинг ўтган йилги қарзларини қоплаш учун йўналтирилмоқда. Айрим хўжаликлар умуман зарар билан ишлаяпти. Масалан, Ховос туманининг «Фарҳод» ширкат хўжалиги 1999 йилни 17008 минг сўм фойда билан якунлади ва унинг 31185 минг сўмини олдинги йиллардаги зарарни қоплаш учун сарфлади. Бундан ташқари, деярли барча хўжаликлар дебиторлик ва кредиторлик қарзларига эга. Масалан, Сайхунобод туманидаги «Пахтакор» ширкат хўжалигининг жорий йилнинг биринчи январ ҳолатига кўра, 3792 минг сўм дебиторлик, 91574 сўм кредиторлик қарзи бор. Хўжаликларнинг аксарияти банкларнинг кредит хизматларидан фойдаланмаганлар.

Йиғилиш қизғин баҳс-мунозаралар руҳида ўтди. Унда сўзга чиққан депутатлар, мутахассислар, вилоятдан келган вакиллар муҳокама қилинган масалага тааллуқли фикр-мулоҳаза ва таклифларни билдирдилар. Унда, шунингдек, қўмита ваколат доирасига кирувчи бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Йиғилиш сўнггида кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**Исмат ХУДОЁРОВ.**

# «АВЕСТО» ЮБИЛЕЙИГА ТАЙЁРГАРЛИК

Урганчда «Авесто» яратилганлигининг 2700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, ташкилий қўмита раиси Ҳ. Кароматов бошқарди.

Юбилей муносабати билан янги боғ барпо этиш, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларига тайёргарлик, халқаро илмий конференция ўтказиш, шунингдек, тантанали байрам тадбирлари юзасидан вилоят ҳокимлиги, республика Фанлар академияси, Маданият ишлари вазирлиги раҳбарларининг ахборотлари тингланди.

Мажлисда халқимиз даҳосининг намунаси бўлган «Авесто»нинг қутлуғ санасини кенг нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Мажлис ишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А. Мансуров сўзга чиқди.

**С. АВАЗ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*

*ҚАРОРИ*

## Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида

Умумхалқ байрами — 9 май – Хотира ва Қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 55 йиллиги муносабати билан ва уруш қатнашчиларини моддий рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Иккинчи жаҳон уруши ногиронлари ва қатнашчиларига 5000 (беш минг) сўм миқдорида бир йўла бериладиган пул мукофоти белгилансин.

2. Ушбу қарорни рўёбга чиқариш билан боғлиқ сарф-харажатлар республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Ижтимоий таъминот вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати мазкур пул мукофотларининг тантанали ва байрамона вазиятда тўланишини таъминласинлар.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига Маданият ишлари вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Фанлар академияси, Бадиий академия, Хотин-қизлар қўмитаси, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, «Нуроний», «Маҳалла», «Камолот» жамғармалари ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Ватанимиз эркинлиги ва шаъни ҳимоячиларини шарафлашга бағишланган махсус учрашувлар, маърифий-бадиий кечалар ўтказишни ташкил этиш топширилсин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 26 апрел.

## НИҲОЛЛАР БЎЙ ЧЎЗМОҚДА





*Деҳқоннинг севинган пайтлари кўп бўлади. Эрта баҳорда кафтдек даласига боқиб бир қувонса, шабадада бошларини саломга эгиб турган ғўза ниҳолларини кўриб, икки қувонади...*

*Бўз тумани деҳқонлари бу йил 7433 гектар ерга чигит қадашни режалаштиришган эди. Барча майдонларда чигит плёнка остига экилди. Бу ишда, айниқса, «Гулистон» жамоа хўжалиги деҳқонлари ғайрат кўрсатишди.*

*Айни кунда баравж ўсаётган ниҳоллар бўлғуси ҳосил баракали бўлишидан дарак бермоқда.*

**СУРАТЛАРДА: илғор механизатор Бекмирза Холмирзаев; ниҳоллар бўй кўрсатди.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**

*ҚАРОР ВА ИЖРО*

# БАНК ТАДБИРКОРГА ПЕШВОЗ ЧИҚМОҚДА

### МИКРОКРЕДИТ – ТАДБИРКОРЛИК ГЕНЕРАТОРИ

Ҳукуматимиз фермерлар, хусусий тадбиркорлар ҳамда кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш ва унинг иқтисодий базасини мустаҳкамлаш, уни аҳоли фаровонлигининг муҳим омилига айлантиришнинг янги шаклини Тошкент вилояти мисолида синаб кўриш мақсадида махсус қарор қабул қилди. Унда тижорат банкларининг ишбилармонларга имтиёзли шартларда кредит бериш учун махсус жамғармалар ташкил этиш бўйича ташаббуси маъқулланиб, вилоятнинг камида 100 та фермер хўжалигига 10 минг АҚШ долларига тенг миқдоргача хорижий ёки миллий валютада микрокредитлар ажратилишини таъминлаш кўзда тутилган.

Бир сўз билан айтганда, ушбу қарор тадбиркорларнинг ғайратига-ғайрат қўшди. Уларнинг орзу-ниятлари ушалишига имкон яратди. Сабаби – Марказий банк томонидан ишлаб чиқилган микрокредитлашнинг янги соддалаштирилган тартибида аризалар ниҳоятда қисқа муддатда – 5 кун ичида кўриб чиқилиб, ҳа ёки йўқ, деб жавоб берилиши белгилаб қўйилди. Бундан ташқари, ҳукумат қарорида мутасадди ташкилотларга фермер хўжаликлари томонидан ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга бериш механизмини ишлаб чиқиш вазифаси топширилган эди. Шунга кўра, кичик ва ўрта бизнес субъектлари томонидан минерал ўғитлар, ёнилғи-мойлаш материаллари, электр қуввати ва газ, қишлоқ хўжалик техникаси етказиб бериш юзасидан қишлоқ хўжалиги ширкатларини четлаб ўтган ҳолда, тўғридан-тўғри уларни етказиб берувчилар ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш бўйича тайёрлов ташкилотлари билан шартномалар тузилишига рухсат этилди. Вилоятда ўзининг ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтирмоқчи ёки бошламоқчи бўлган, молиявий таъминотга муҳтож ишбилармонлар талайгина эканки, банкларга кредит ажратишни сўраб ёзилган аризалар тўхтовсиз келиб тушмоқда,

Банк ходимлари Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси ва бошқа тижорат ташкилотлари билан биргаликда ўз фаолиятини бошлаётган тадбиркорларга бизнес-режа тузиш, консалтинг, инжиниринг, ишлаб чиқаришни амалга ошириш, кредит олиш учун тегишли ҳужжатларни тайёрлаш, кичик технологиялар, асбоб-ускуналар харид қилиш бўйича шартномалар тузиш ва бошқа хизматлар кўрсатишда ҳар томонлама ёрдам кўрсата бошладилар. Натижада ҳозирга қадар тижорат банкларининг вилоятдаги бўлинмаларида тадбиркорларнинг 275,5 миллион сўмга тенг 248 та бизнес-режаси молиялаштирилди. Яъни, бугунги кунда микрокредит қишлоқ туманларида тадбиркорликнинг авж олишида ўзига хос генератор вазифасини бажармоқда.

Кредитларнинг йиллик фоиз ставкалари 12 фоиздан 18 фоизгача бўлиб, бир йилдан уч йилгача бўлган муддатга берилган. Шуниси эътиборлики, «Пахтабанк»нинг вилоят бошқармаси ўз ресурслари ҳисобидан, қарорда кўрсатилганидек, 100 та эмас, балки 145 та деҳқон-фермер хўжалиги ва хусусий тадбиркорларга кредит маблағлари ажратди.

Янги тартибга кўра, кредитларнинг муайян қисми нақд пулда берилиши, айниқса, ишнинг кўзини биладиган, аммо дастлабки маблағи етмаётган ишбилармонларга мақбул келмоқда. Таҳлиллар эса кредитлар асосан қорамол ва уруғлик сотиб олиш, минерал ўғит, техника, асбоб-ускуна, хомашё харид қилиш мақсадларига ажратилганини кўрсатмоқда. Масалан, «Пахтабанк»нинг Ўрта Чирчиқ тумани филиали салкам 11 миллион сўмни фақат қорамол сотиб олишга ажратган. Лойиҳалар ўхшашлиги, сиртдан қараганда, истиқболсиздай туюлади. Аммо тадбиркорлар ҳам, банк ходимлари ҳам сўнгги йилларда чорва моллари бош сони камайиб кетиши ҳисобига маҳсулотлар нархи ошгани, уларга барибир эҳтиёж катталигича қолаётгани, қайта ишлаш саноатини йўлга қўйиш орқалигина бозордан мустаҳкам ўрин эгаллаш мумкинлигига ишонч ҳосил қилишган. Шунинг учун ҳам банкларнинг янги хизмат туридан кўпроқ қишлоқ одамлари фойдаланмоқдалар.

– Бу табиий ҳол, – дейди «Пахтабанк«нинг Пискент тумани филиали бошлиғи Музаффар Абдуллаев. – Деҳқон-фермерлар, якка тадбиркорлар асосан қишлоқларда яшайди ва улар ўзларининг фаолиятини кенгайтиришни истайди. Бунинг учун уларнинг маблағи етишмасди. Биз эса уларнинг ривожланишидан манфаатдормиз. Аммо орамизда баъзи бир муаммолар ва тушунмовчиликлар бор эди. Ҳукуматнинг бу қарори, Марказий банкнинг микрокредитлаш тўғрисидаги янги тартиби банк ва тадбиркорлар ўртасидаги барча «аммо»ларга чек қўйди. Мамлакат ишлаб чиқаришининг ялпи ўсишида кичик ва ўрта бизнес субъектларининг улушини оширишга эътибор берилаётган бир пайтда бундай ташаббуснинг маъқуллангани ҳам банкирлар, ҳам тадбиркорлар томонидан ўта ижобий баҳоланмоқда. Бир нарсага ишончимиз комилки, берган кредитларимиз тўлиқ ва ўз вақтида қайтади. Чунки банкимиздан қарз олган одамларни яхши танимиз, қандай ишлашини биламиз. Қишлоқ одамлари иш билан таъминланса, уларнинг ишлаб чиқариш фаолияти кенгайиб, қишлоққа кичик саноат кириб келса, фаровонлик таъминланади. Мижозларимиз молиявий жиҳатдан бақувват бўлиб боради, булар ўз навбатида бақувват банкни шакллантирадилар.

Кўриниб турибдики, банклар реал сектор, айниқса, ҳаракатдаги пулларга муҳтожлик сезаётган кичик ва ўрта бизнес корхоналари лойиҳаларини кредитлашнинг янги шакли қўлланишидан манфаатдорлик туймоқда. Чунки банкирлар кичик ва ўрта бизнес нафақат иқтисодиётнинг, балки кучли банкнинг ҳам асоси эканини англаб етган.

Бугунги кунда банкирлар нигоҳидан хусусий тадбиркорлар ҳам четда қолмаяпти.

– Туман марказида Татьяна Ким деган бир аёл хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик билан шуғулланади, – деб сўзида давом этди Музаффар Абдуллаев. – Хизмат кўрсатиш майдонлари торлиги ва унчалик яхши эмаслигини, аммо мижозлари кўплигини билардик. Биз кредит таклиф этдик. Бажонидил рози бўлди. Туман қурилиш-таъмирлаш ташкилоти билан 612 минг сўмга шартнома тузди. Дарров бир йилга кредит ажратиб, пулни кўчириб бердик. Ҳозир таъмирлаш ишларини бошлаб юборди. Хизмат кўрсатиш биноси кўркам бўлгач, мижозлари сони яна ортади. Кредит ҳам вақтида қопланади.

– Имтиёзли кредитга бўлган талаблар ошиб бораётган бир пайтда уларни тўлақонли қондиришнинг имкони борми? – деб сўрадик банк бошлиғидан.

– Бор, – деб жавоб берди у ўктамлик билан. – Бунинг учун, ҳукумат қарорида кўрсатилганидек, банкимиз мижозларга бўш маблағларни жалб этишнинг ранг-баранг шаклларини таклиф этиб боради. Президентнинг «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида кўрсатилганидек, банкларнинг жисмоний шахсларнинг бўш маблағларини қайта молиялаш ставкасининг камида 75 фоизи, юридик шахсларнинг 50 фоизи миқдорида депозитларга жалб этилиши молиявий маблағларни қўшимча равишда тўплаш ва мақсадли йўналтиришга имкон яратади.

Банклар томонидан кичик ва ўрта бизнес субъектларига, деҳқон-фермер хўжаликларига микрокредитлар ажратилишининг янги ҳуқуқий асослари пировардида жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлашга, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, қишлоқда тадбиркорликни тараққий эттиришга олиб келади.

(Давоми 2-бетда).

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ФАРМОНИ*

## Ўзбекистон Республикасида архитектура ва шаҳар қурилишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

**Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, архитектура, лойиҳалаш ва қурилиш фаолияти даражаси ҳамда сифатини ошириш, шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг шаҳар қурилишини замонавий талабларга ҳамда миллий анъаналарга мос келадиган тарзда комплекс ривожлантиришни таъминлаш, архитектура-шаҳар қурилиши соҳасидаги қимматли меросни сақлаш ва авайлаш мақсадида:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Республика архитектура-шаҳар қурилиши кенгаши ташкил қилинсин.

Қуйидагилар Кенгашнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

замонавий талабларни, миллий ва меъморий-маданий анъаналарни ҳисобга олган ҳолда шаҳар қурилиши ва архитектурани янада ривожлантириш концепцияси ҳамда дастурларини шакллантириш, кўриб чиқиш ва амалга ошириш борасидаги ишларни ташкил қилиш, шаҳарлар ва туманларнинг марказларини, архитектура комплексларини режалаштириш ва барпо этиш лойиҳалари бўйича танловлар ўтказиш;

архитектура ва лойиҳа фаолиятида бозор муҳитини тобора шакллантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, архитектура ва шаҳар қурилиши соҳасида шартномавий муносабатларни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқий базани такомиллаштириш;

шаҳарларнинг бош режаларини кўриб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритиш, уларнинг амалга оширилишини, архитектура-режалаштириш ҳужжатларига, ғоят муҳим шаҳар қурилиши меъёрлари ва стандартларига риоя этилишини назорат қилиш.

Белгилаб қўйилсинки, Кенгаш ўзининг ваколати доирасида қабул қиладиган қарорлар мулкчилик шаклидан қатъи назар, жисмоний ва юридик шахслар томонидан ижро этилиши мажбурий ҳисобланади.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси (Ўзбекистон Республикаси «Даварxитектқурилиш»)нинг вазифалари аниқланиб, унинг зиммасига қуйидагилар юклансин:

қурилиш, архитектура, шаҳар қурилиши ва бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш масалалари бўйича амалдаги қонунчиликка риоя этилишини таъминлаш;

капитал қурилишни ва инвестиция фаолиятини ислоҳ қилиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ҳамда рўёбга чиқаришда иштирок этиш;

шаҳарларнинг, туман марказлари ҳамда шаҳар посёлкаларининг бош режаларини ишлаб чиқишни ташкил этиш, лойиҳа-режалаштириш ҳужжатларига қатъий мувофиқ равишда аҳоли пунктларининг ривожлантирилишини таъминлаш;

архитектура, қурилиш ва бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш соҳасида ягона илмий-техникавий сиёсатни ўтказиш;

қурилишда нарх белгилаш тизимини такомиллаштириш, пудрат ишлари бозорини ва тегишли бозор инфратузилмасини шакллантириш бўйича ташкилий-услубий раҳбарликни амалга ошириш, қурилишга ва қурилиш индустриясига бошқарув ва менежментни ташкил этишнинг илғор тизимларини, замонавий қурилиш технологияларини жорий қилиш;

қурилиш, архитектура, шаҳар қурилиши ва лойиҳалаш фаолияти соҳасида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни, давлат меъёрлари ва стандартларини ишлаб чиқиш, давлат шаҳар қурилиши кадастрини юритиш;

лойиҳалаш, қурилиш ва бинокорлик материаллари ҳамда конструкцияларини ишлаб чиқариш чоғида меъёрлар ва стандартларга риоя этилиши устидан, қурилиш фаолиятининг амалга оширилиши, лойиҳа ва қурилиш-монтаж ишларининг сифати устидан назорат ўрнатилишини таъминлаш, шаҳар қурилишига оид ҳужжатларнинг ҳамда қурилиш маҳсулотлари, бинокорлик материаллари, буюмлар ва конструкцияларнинг идорадан ташқари экспертизасини ўтказиш;

хорижий архитектура ва қурилиш тузилмалари, халқаро ташкилотлар билан иқтисодий ҳамда илмий-техникавий ҳамкорликни амалга ошириш.

3. Қуйидагилар белгилаб қўйилсин:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Архитектура ва қурилиш бош бошқармаларининг бошлиқлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимларининг тақдимномасига биноан ҳамда Республика архитектура-шаҳар қурилиши Кенгаши билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг қарорига асосан лавозимга тайинланадилар ва озод қилинадилар;

туман ва шаҳар архитекторлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, Тошкент шаҳар ва вилоятларнинг ҳокимлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Даварxитектқурилиш» билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Архитектура ва қурилиш бош бошқармасининг бошлиғи томонидан лавозимга тайинланадилар ва озод қилинадилар.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Архитектура ва қурилиш бош бошқармаларининг бошлиқлари лавозимига кўра Республика архитектура-шаҳар қурилиши кенгашининг аъзолари ҳисобланадилар.

4. Ўзбекистон Республикаси Архитекторлар уюшмасига қуйидагилар тавсия этилсин:

шаҳарлар марказлари ва туманларнинг марказларини, архитектура комплексларини режалаштириш ҳамда барпо этиш лойиҳаларига танловлар ўтказиш борасидаги ишларни фаоллаштириш, жамоатчиликни ва оммавий ахборот воситаларини жалб этган ҳолда шу лойиҳаларнинг кенг муҳокама этилишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси «Даварxитектқурилиш» билан биргаликда икки ой муддатда архитекторларнинг муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид таклифларни тайёрлаш ва уларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш.

5. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Архитекторлар уюшмасининг раиси ўз лавозимига кўра Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари ҳисобланади.

6. Бош режалари Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган республика шаҳарларининг рўйхати тасдиқлансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятларнинг ҳокимликлари билан биргаликда 2000-2002 йилларда шаҳарлар, туман марказлари ҳамда шаҳар посёлкаларининг бош режаларини ишлаб чиқиш ва ўзгартишлар киритиш жадвалини тузиб, уни 2000 йилнинг 1 июнига қадар тасдиқлаш учун Республика архитектура-шаҳар қурилиши кенгашига киритсин.

Шаҳарлар, туман марказлари ҳамда шаҳар посёлкаларининг бош режаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш чоғида қуйидагилар устувор йўналишлар деб белгилаб қўйилсин:

туташ қишлоқ ҳудудлари билан шаҳарларнинг архитектура-режалаштириш тузилмаси уйғун ривожлантирилишини, шаҳар ҳудудларидан тежамли фойдаланишни, аҳоли истиқомат жойларининг табиий муҳитига эҳтиёткорона муносабатда бўлишни таъминлаш;

замонавий шаҳар марказларини, янги архитектура комплексларини шакллантириш, шаҳарларнинг тарихий-меъморий меросини сақлаб қолиб, уни ривожлантирган ҳолда, қадимдан таркиб топган ҳудудларини реконструкциялаш;

транспорт йўллари схемаларини, муҳандислик-техникавий тизимларини, ўқув-таълим муассасалари тармоқларини, спорт-соғломлаштириш комплексларини ҳамда ижтимоий соҳанинг бошқа объектларини мақбул тарзга келтириб, яшаш муҳитининг қулайлигини оширган ҳолда шаҳарларнинг инфратузилмаларини комплекс янгилаш.

Шаҳарлар, туман марказлари ва шаҳар посёлкалари бош режаларга қатъий мувофиқ равишда барпо этилишини таъминлаш ҳамда аҳоли пунктлари бош режаларининг лойиҳаларини ҳамда лойиҳа-режалаштириш ҳужжатларини ишлаб чиқиш борасидаги ишларнинг молияланиши учун шахсий жавобгарлик Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, Тошкент шаҳар ва вилоятларнинг ҳокимлари зимасига юклансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда ушбу Фармонни ижро этиш юзасидан қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 26 апрел.

# ХАТЛАР — КЎНГИЛ ОЙНАСИ

## БУНИ ҲАЁТ ДЕРЛАР...



Эларо «Қариси бор уйнинг париси бор», деган нақл юради. Косонсой шаҳрининг «Ҳуррият» маҳалласида истиқомат қилаётган Абдуллаҳатхўжа ота Каттабоев сингари пиру бадавлат отахонлар суҳбатида бўлсангиз, бу гап мағзини чаққандек бўласиз. Ўз умрининг 105-баҳорини қаршилаган бу отахон йиллар бўйи деҳқончилик билан шуғулланган. Кўпга бош чилик қилиб, бригада саркори бўлиб ишлаган.

Айни кунда Абдуллаҳатхўжа ота 25 набира, 45 чевара, 12 эваранинг табаррук бобосидир.

Истиқлолимизга минг бора шукроналар айтиб, эл-юртни дуо қилиб яшаётган бу отахон ҳузуридан шу гопда ҳам маслаҳат сўраб келувчиларнинг қадами узилмайди.

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**



## Дил изҳори

"Фалокат – оёқ остида" деганлари рост экан. Бугун соппа-соғ ўйнаб-кулиб юрган одам эртага аҳволи не кечишини билиши қийин экан...

Авжи қиш эди. Шом ғира-ширасида йўл чети бўйлаб уйимга шошиб бораётгандим. Кутилмаганда қоқ белимга нимадир зарб билан урилди-ю, беш-олти қадам нарига учиб кетдим. Шу асно ҳавода бир муддат муаллақ қолганимни элас-элас эслайман, кейин нималар бўлганини билмайман.

Фарзандларимнинг айтишларича, ўшанда менинг ортимдан катта тезликда елиб келаётган "ГАЗ-24" машинаси уриб юборган экан.

Кўпчиликнинг борига шукр. Фалокатдан огоҳ топган кишилар дарҳол уйимдагиларга хабар беришибди. Фарзандларим, куёвларим мени шифохонага олиб боришибди. Менинг жонимга 1-Тошкент Давлат тиббиёт институти клиникаси шифокорлари аро киришибди. Врач Шавкат Милтиқбоев раҳбарлигидаги жарроҳлар бош миямни уч соатдан ортиқ, ички тана аъзоларимни салкам тўрт соат мобайнида жарроҳи қилишибди. Шу тариқа ҳаётимни сақлаб қолишибди.

Мен саккиз кун деганда ҳушимга келдим. Таъбир жоиз бўлса, онадан иккинчи бор туғилдим. Икки ойдан сўнг худди эндигина йўлга кираётган гўдакдек қайтадан қадам босадиган, ўз ош-нонимни ўзим ейдиган бўлдим. Шифохонадан соғайиб чиқиб кетдим. Ҳозир фарзандларим-невараларим даврасида аввалгидек ўйнаб-кулиб ўтирибман. Бунинг учун жарроҳ Шавкат Милтиқбоевга ҳам, касалхонада туну кун иссиқ-совуғимдан бохабар бўлиб турган ҳамшира қизларга ҳам чин дилдан раҳматлар айтаман. Юрсам-да, турсам-да, "Эл-юртимиз бахтига шундай фидойи, жонкуяр шифокорлар ҳамиша бор бўлишсин, қўллари ҳеч қачон дард кўрмасин", дея дуо қиламан.

**Замира МИРРАҲИМОВА.**
**Зангиота тумани.**

## Миннатдорчилик

Биз бундан бир неча ой муқаддам ўзаро маслаҳатлашиб, муаммоларимизни қоғозга тушириб, «Халқ сўзи»га йўллагандик. Унда маҳалламиз аҳли табиий газга, ичимлик ва оқарсувга ёлчимаётганини баён қилгандик.

Сизларга катта раҳмат, арзимизга бефарқ қарамабсизлар. Муаммоларимизни жойида ўрганиб чиқиш ва зарур чора-тадбирлар белгилаш учун тегишли ташкилотларга жўнатибсизлар. Мана, самараси: қутлуғ Наврўз кунлари маҳалламизда ажиб бир шодиёна бўлди – хонадонларимизга табиий газ кириб келди. Ҳадемай, ичимлик ва оқарсув масаласи ҳам ижобий ҳал этилажаги айтилди.

Биз халқ талабини қондиришдек эзгу ишга бош-қош бўлган вилоят ва туман ҳокимликларига, Ф. Қўчқоров номидаги жамоа хўжалиги раҳбариятига ҳамда газ қувурларини ўтказишда беминнат ёрдамини аямаган ташкилотлар мутасаддиларига самимий миннатдорчилик билдирамиз.

**Эҳтиром билан, Олтинкўл туманидаги «Маслаҳат» қишлоғи «Мақсад» маҳалласи аҳли номидан:**

**А. НИШОНОВ, С. ҲАМРОХЎЖАЕВ, С. ОМОНОВА, О. ҚОДИРОВА ва бошқалар.**

### «Халқ сўзи»га жавоб берадилар

## АДОЛАТЛИ ЕЧИМ

«Бизлар ким, барча меъёрий ҳужжатларни тайёрлаб, фермер бўлиш ниятида юрган «Эркин» ва «Боймирза» фермер хўжаликларининг ташкилотчилари Жонпўлат Эрмуродов ва Хуррам Ҳайдаровлар ушбу мактубни таҳририятга йўллаяпмиз. Бизнинг ҳужжатларимизни туман ҳокимининг ўринбосарлари қайта-қайта рад этишиб, фаолиятимизга тўсқинлик қилишяпти. Биз ҳақ-ҳуқуқимизни ҳимоя қилиб бормаган идорамиз қолмади. Аммо ҳозирча бирор натижага эришганимиз йўқ».

Мазкур арзнома Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманидаги А.Навоий номли жамоа хўжалигидан келган. Туман ҳокимлиги мавжуд жумбоқни ечолмаётган экан, қани, вилоят ҳокимлиги бу масалада қандай фикр билдиркин, деган мақсадда шикоятни ўша ердаги мутасадди раҳбарлар эътиборига ҳавола этгандик.

Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари жаноб С.Жўраевнинг хабар беришича, шикоят хати жойида атрофлича ўрганиб чиқилган.

Текширишда аниқланишича, Ж.Эрмуродов ва Х.Ҳайдаровларнинг фермер хўжаликлари ташкил этиш тўғрисидаги аризалари хўжалик бошқарувида кўриб чиқилиб, 1999 йил 27 сентябрдаги ва 1998 йил 11 октябрдаги қарорга асосан навбатдаги умумий йиғилиш кун тартибига қўйилган. 2000 йил февралида бўлиб ўтган вакиллар йиғилишида Х.Ҳайдаров ва Ж.Эрмуродовга фермер хўжалиги ташкил этиш учун ер майдони ажратиб бериш тўғрисида қарор қабул қилинган. Туман ҳокимлиги қошидаги фермер хўжаликлари тузиш комиссияси ва хўжалик бошқаруви хат муаллифларига хўжаликнинг сув шароити қулай, лекин меҳнат ресурслари кам бўлган Оқтепа участкасида ер майдони ажратиб беришни таклиф этган. Улар бу таклифни рад этиб, ўзлари ишлаб турган, аҳоли зич яшайдиган қишлоқ ичидаги ерларни талаб қилишган. Бу эса Ўзбекистон Республикаси «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонуннинг 6-ва 9-моддаларига зиддир.

Ҳозирги кунда ширкат хўжалиги бошқаруви ерларни оилаларга пудрат шартномалари асосида тақсимлаб берган. Шулар қатори Ҳайдаровлар оиласига 14 гектар, Эрмуродовлар оиласига 24 гектар ер майдони ажратиб берилган. Хат муаллифларининг ҳар иккиси ўқитувчи, хўжалик аъзоси эмас. Ж.Эрмуродовнинг фақат бир ўғли бор, бириктилган ерни оиласи удда қила олмайди, шу сабабли унинг ҳисобидаги ерда бошқа оилалар ҳам ишлайди, у киши фақат оилавий пудратчи сифатида шу ернинг эгаси ва ташкилотчиси.

Ушбу ариза ширкат хўжалиги бошқаруви ва туман ҳокимлиги томонидан қонун асосида кўриб чиқилган ва хулоса қилинган, деб ҳисоблаймиз.

Аризадаги туман ҳокими ва унинг ўринбосарларига нисбатан билдирилган эътирозлар текшириш давомида тасдиқланмади.

## ШИКОЯТИНГИЗ АСОССИЗ ЭКАН

Тошкент шаҳар Юнусобод туманида истиқомат қилувчи фуқаро Б.Аҳмедов таҳририятга йўллаган аризасида ўзи қурган бино бузиб ташланганлиги тўғрисида шикоят қилганди. Кўп меҳнат ва маблағ сарфлагандим, туман ҳокимлиги менинг илтижоларимни инобатга олмади, деб зорланганди.

Ушбу масалани кўриб чиқиш ва мавжуд қонунлар асосида муаммонинг ечимини топишни сўраб, муаллиф мактуби Тошкент шаҳар ҳокимлигига ҳавола этилганди.

Шаҳар ҳокимининг ўринбосари жаноб А.Тўхтаевнинг хабар беришича, Юнусобод тумани, 18-мавзе, 47-уй, 11-хонадонда яшовчи фуқаро Б.Аҳмедовнинг аризаси жойида атрофлича ўрганиб чиқилган. Шаҳар ҳокимлигининг 2000 йил феврал ойида Тошкент автомобил ҳалқа йўлини ва унинг атрофини тартибга келтириш мақсадида ўтказилган текшируви натижалари асосида меъморчилик талабларига жавоб бермайдиган, ноўрин қурилган ҳар хил иншоотлар, шу жумладан, Б.Аҳмедов томонидан ноқонуний, қурилиш ишларини бошлаш учун зарур бўлган ҳужжатларни расмийлаштирмасдан, меъморчилик талабига зид равишда барпо қилинган автомобилларни таъмирлаш устахонаси ҳам бузиб ташланган.

Айни пайтда шулар ҳам аниқландики, фуқаро Б.Аҳмедов ушбу қурилиш ишларига ишчиларни жалб қилиб, уларнинг меҳнатидан фойдаланган, аммо иш ҳақини тўламаган. Жумладан, Қурбонов Султонга ой мобайнида иш ҳақи тўламасдан ишлатган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Тошкент шаҳар ҳокимлиги Б.Аҳмедовнинг шикояти асоссиз эканлигини маълум қилади.

**Мустақиллик эълон қилинганига бу йил тўққиз йил тўлади. Эришган ютуқларимиз ҳақида ҳар қанча гапирсак оз. Ана шулардан бири янги алифбонинг жорий қилинишидир. Мен ўзимнинг ана шунга доир фикрларимни айтмоқчи эдим.**

## ЯНГИ АЛИФБО

### уни ўзлаштириш ҳар биримизга боғлиқ

Масалан, жойларда турли хил тиллар ва алифболарда ёзилган пештахталарни кўриб, ҳайратингиз ошиши аниқ. Айниқса, «Avto мойка» – ярми лотин, ярми кирилл алифбосида ёзилган ёзувни кўриб, бир нима дейишга ҳам ҳайрон қоласиз.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Афсуски, савдо дўконлари, кичик корхоналар номлари саводсизларча ёзилганини кўриб, дилингиз ранжийди. Булар лотин ҳарфларига асосланган янги ўзбек алифбосини ҳаётга татбиқ этиш масаласига якдиллик билан киришилмаётгани натижасидир. Лекин яна бир ҳолатдан кўнгил таскин топади. Болаларимиз ва невараларимиз лотин алифбосида бийрон ўқиш ҳамда ёзишни ўрганишмоқда. Ёшлар ва ўрта ёшдагилар-чи? Уларнинг ўрганишлари учун нималар қилинаяпти? Бу саволга, табиийки, жавоб топиш ҳозирча андак мушкулроқ кечаяпти.

Назаримда, лотин алифбосига ўтишни ҳали ҳаммамиз ҳам тўлалигича ҳис этганимиз йўқ. Ёзувларда хатолик, палапартишликларни кузатиш мумкин. Масалан **е** ҳарфининг янги имлода берилиши сўзнинг боши ҳамда унли товушдан кейин икки товушни, яъни **й-э**, (елим, қаер), икки ундош ўртасида эса **э** товушини (кел, кет, кетмон) билдиради. У фарқланмаса, чалкашиб кетиши ҳам мумкин (елим-элим, ем-эм).

Лотинча **s** ҳарфи ўзбекчада **с**, ўзлашма сўзларда эса **ц** ҳарфини ифодалайди. Унли товушдан кейин келса **ts**, бошқа ҳолларда эса **s** ҳарфи шаклида ёзилади. Масалан: sentntz, sistexna, konsezt, leksya, militsiya, ofitsez, sex, aviatsiya.

Олимларнинг таъкидлашларича, лотин алифбосида хат-савод чиқариш учун энг камида 120 соат керак эмиш. Кунига 1 соатдан 120 кун – 4 ой. Ҳафтасига 1 соатдан бўлса, 120 ҳафта ёки икки йилдан кўпроқ вақт талаб этилади.

Бу гапларни айтишдан муддао шуки, шошилайлик, биродарлар, вақтни кутиб ўтирмайлик.

**Эркин ИБРОҲИМОВ,**
**журналист.**
Тошкент шаҳри.


Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси

*қуйидаги йўналишлар бўйича бўш турган лавозимларга*

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

- *дастурий-техникавий комплекслар тизимини кузатиш;*
- *ҳисоблаш техникаси воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш;*
- *дастурлаш.*

**Қуйидаги манзилга мурожаат қилинг: Тошкент, Абай кўчаси, 4, ЎзР ДСҚ. Ҳисоблаш, ахборот таъминоти ва компьютерлаштириш бошқармаси (ички телефонлар-747, 749), телефонлар: 144-97-47, 144-97-49.**

2807



ABN·AMRO Bank

Best Bank in Uzbekistan

CENTRAL EUROPEAN AWARDS 2000

Обрў-эътиборли "Euromoney" молия журналининг «Central European» нашри томонидан

**АБН АМРО Банк МБ Ўзбекистон А.Ж.**

2000 йилда

Ўзбекистоннинг энг яхши банки деб номланди.

Қўшма банкимизнинг асосий таъсисчиси-АБН АМРО Банкдир. Бу универсал тижорат инвестиция банкининг тарихи Голландия тарихининг ўтган аср бошига бориб тақалади. Бугун АБН АМРО Банк дунёнинг 76 мамлакатида ўз филиалларининг кенг тармоғига эга бўлган энг йирик халқаро молиявий конгломератлардан биридир.

*Биз:*

- Ўзбекистон молия бозорида энг яхши банк хизматларини;
- Банк хизматларининг кенг мажмуасини — пул кўчириш ва тижорат кредитидан тортиб, конвертация жараёнлари ва мижозлар эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган мураккаб таркибий молиялаштиришгача;
- Электрон банк иши ("банк-мижоз тизими") ва пластик-кредит карточкалари каби маҳаллий бозор учун мутлақо янги бўлган банк хизматларини тақдим этамиз.

*СИЗНИ ЎЗ МИЖОЗЛАРИМИЗ САФИДА КЎРИШДАН ХУРСАНДМИЗ.*

ABN·AMRO The Network Bank

*Бизнинг манзил: Тошкент ш., Ҳ.Олимжон майдони, Ғарбий томон, Бизнес-комплекс, 4-подъезд.*
*Телефон: 120-61-41.*
*Факс 120-63-67.*

2777


## МАҲАЛЛА СТИПЕНДИЯСИ

Пахтаобод туманидаги «Файзиобод» маҳалласи оқсоқолларининг ташаббуси билан махсус стипендия таъсис этилди. Шу маҳалла ҳудудидаги 32-ихтисослаштирилган лицей-интернат ва 19-ўрта мактабнинг аълочи, энг намунали ўқувчилари ҳар ойда 500 сўмдан маҳалла стипендиясини оладиган бўлишди.

Ўқувчиларни пухта билим олишга, баркамол кишилар бўлиб етишишга рағбатлантирувчи ушбу стипендиялар учун фуқаролар йиғини ташаббуси билан, шунингдек, тадбиркор маҳалладошлар ёрдамида маблағ топилмоқда.

**«Туркистон-пресс».**





- KONICA нусха кўчириш техникаси
- RISO кичик босмахоналар
- AO UTAX ҳажмидаги нусха кўчириш техникаси
- REXEL ламинаторлари
- REXEL муқовалаш ускуналари
- RC Systems қоғоз қирқиш жиҳозлари
- INTIMUS қоғозни йўқ қилувчи жиҳозлари
- DUPLO қоғоз кўтариб олувчи ускуналар
- DUPLO брошюралаш ускуналари
- NOVUS, RAPID степлерлари

**ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТАМИЗ**

©РАПресса 2805


## МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ САРОЙИ

Асака шаҳрида ёшлар қалбида Ватанга муҳаббат туйғусини, миллий ғурурни уйғотишга хизмат қилувчи «Маънавият ва маърифат саройи» ишга туширилди.

Бир неча йилдан бери эътибордан четда қолган эски бино ҳомий ташкилотлар ёрдамида қайта таъмирланиб, дид билан безатилди ва зиё масканига айлантирилди. Шаҳар «Маънавият ва маърифат» маркази масъул ходими Шавкат Мўйдиновнинг «Туркистон-пресс» мухбирига айтишича, шаҳар маданият ишлари бўлими, «Тасвирий ойина» уюшмаси, «Олтин мерос», «Камолот», «Соғлом авлод учун», «Маҳалла» хайрия жамғармалари, «Киновидеохизмат» акционерлик жамияти, болалар ва ўсмирлар ижодий уйи ходимлари қўлни-қўлга бериб, янги саройда ибратли тадбирлар ўтказишмоқда.

Саройда кутубхона, кўргазмалар зали, иқтидорли болалар билан ишлаш ва дам олиш хоналари ҳам фаолият кўрсатаётир.

**«Туркистон-пресс».**

